

**ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР БАНДЛИГИГА ҚЎМАКЛАШИШ:
ҲОЛАТ, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР**

Умурзаков Баходир Хамидович –
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори
Махмудов Темур Асомидинович –
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Мақолада ногиронлиги бўлган шахсларни бандлигига қўмаклашиш ҳолати, уларнинг бандлик даражаси, тадбиркорлик соҳасида инклюзив меҳнат амалиётини жорий этиш орқали Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг муносиб бандлигига қўмаклашиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ўрганилган. Ногиронлиги бўлган шахсларни самарали ишга жойлаштириш ва касб-хунарга ўқитиш учун меҳнат бозорида фаол дастурлар жорий этиш, иш берувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларга солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар, ишсизлик, меҳнат бозори, меҳнат ресурслари, захираланган иш ўринлари, ишга жойлаштириш, касб-хунарга ўқитиш, субсидия, иш берувчилар, солиқ имтиёзлари.

**СОДЕЙСТВИЕ ТРУДОУСТРОЙСТВУ ЛЮДЕЙ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ:
СИТУАЦИЯ, ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ**

Умурзаков Баходир Хамидович –
Профессор Ташкентского государственного
экономического университета
Махмудов Темур Асомидинович –
Независимый исследователь Ташкентского
государственного экономического университета

Аннотация: В статье исследуется ситуация со стимулированием трудоустройства лиц с ограниченными возможностями, их уровень занятости, содействие достойной занятости в Узбекистане и социальная защита лиц с ограниченными возможностями через внедрение инклюзивных практик в предпринимательстве. Были внесены предложения о внедрении на рынке труда активных программ по эффективному трудоустройству и профессиональному обучению людей с ограниченными возможностями, финансовой поддержке работодателей, предоставлению им налоговых льгот.

Ключевые слова: инвалиды, безработица, рынок труда, трудовые ресурсы, зарезервированные рабочие места, занятость, профессиональное обучение, субсидии, работодатели, налоговые льготы.

**PROMOTION OF EMPLOYMENT OF PEOPLE WITH DISABILITIES: SITUATION,
PROBLEMS AND SOLUTIONS**

Umurzakov Bahadir Khamidovich –
Professor of the Tashkent State Economic University
Makhmudov Temur Asomidinovich –
Independent researcher of the Tashkent State Economic University

Resume: The article examines the situation with the promotion of employment of persons with disabilities, their level of employment, promotion of decent employment in Uzbekistan and social protection of persons with disabilities through the introduction of inclusive practices in entrepreneurship. Proposals were made to introduce active programs on the labor market for effective employment and vocational training of people with disabilities, financial support for employers, and the provision of tax incentives to them.

Key words: disabled people, unemployment, labor market, labor resources, reserved jobs, employment, vocational training, subsidies, employers, tax incentives.

Кириш. Меҳнат ресурслари таркибида им-
конияти чекланган шахслар мавжудлиги ушбу
мамлакатда фуқаролик жамиятининг ривож-
ланганлиги, меҳнатни камситмаслик (дискри-
минация) тамойилларига риоя этилаётганлиги-
ни ва ижтимоий корпоратив масъулиятни мав-
жудлигининг муҳим далили ҳисобланади.

“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ-
лари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

қонунига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахс
одатдаги меҳнат шароитларига эга ташкилот-
ларда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳ-
натидан фойдаланувчи ихтисослаштирилган
корхоналарда, цехларда ва участкаларда иш-
лашга, шунингдек қонунчиликда тақиқланма-
ган яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки
бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақлилиги
белгилаб қўйилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугун дунёда 1 миллиарддан ортиқ одам ногиронликдан азият чекади. Бу дунё аҳолисининг, тахминан, 15 %ни ташкил этади. Сурункали касалликларнинг кучайиши ва қарилик сабаб уларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда 790 минг нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар расман рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 62% га яқини қишлоқ жойларда яшовчилар ва 45% га яқини аёллар ташкил этади. Ногиронлиги бўлган шахслардан 123,9 минг нафари 16 ёшгача бўлган болалар, 666,3 минг нафардан ортиғи 16 ёшдан катталар, ҳамда 201,7 мингдан ортиғи пенсия ёшидагиларни ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳам ногиронлиги бўлган шахслар сони кам эмас. Бизда ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан бандлигига кўмаклашиш ҳамда жамиятдаги нотенглик муаммолари ҳар доимгидек долзарб бўлиб қолмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнати ва бандлигини ўрганиш замонавий фан ва бошқарув амалиётида жуда долзарб бўлган мавзу бўлиб, кўпинча ижтимоий мослашиш ва интеграция масалалари, иш берувчиларни самарали рағбатлантириш, ушбу тоифадаги ишчиларни ёллаш ва меҳнатни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Илмий адабиётлар таҳлили. Ногиронлиги бўлган шахсларни бандлигига кўмаклашиш, уларнинг бандлик даражаси, тадбиркорлик соҳасида инклюзив меҳнат амалиётини ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қуйидаги олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан,

Ўзбекистонлик иқтисодичи олим Б.Умурзаков бозор иқтисодиёти шаклланиши шароитида ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш масалалари ўрганилган бўлиб, бунда асосан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси, пенсия таъминотини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Рус олимлари А.Арбуз замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда ногиронларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш масалалари ва ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашдаги янги ёндашувлар ўрганилган. Ўрганишларда саноатлаштириш шароитида ногиронларни иш билан таъминлаш жараёни ўрганилади, меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги ногиронларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этаётган иш берувчиларнинг мотивлари аниқланди. Ногиронлар бандлиги тенденциялари тўғрисидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш амалга оширилади.

Н.Дронишинец ва И.Филатовалар томонидан Японияда ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашнинг ҳозирги тенденциялари ўрганилган. Имконияти чекланган шахсларни ҳаёти ва меҳнат фаолиятини тартибга солувчи Япония қонунчилиги ўрганилган. Шунингдек, руҳий носоғлом ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш масалалари таҳлил қилинган.

А.Тринадцатко томонидан Ковид-19 пандемиядан олдинги ва пандемия давридаги Россияда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлиги ҳолати таҳлил қилинган. Муаллифнинг таъкидлашича, ногиронлик ижтимоий ҳодиса сифатида жамият томонидан ўз фуқароларига нисбатан шаклланган жисмоний ва ижтимоий тўсиқларнинг оқибати бўлиб, улар жамиятда қабул қилинган оддий инсон меъёрларига мос келмайди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатга жалб этилишига кўмаклашиш, уларнинг муваффақиятли ижтимоий мослашуви ва интеграциялашуви шартли сифатида давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиши таъкидланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда биринчи навбатда ногиронлиги бўлган шахсларнинг статистик маълумотлари жамланган. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳудудлар, ногиронлик гуруҳлари, ёши, жинси, яшаш жойлари (қишлоқ ёки шаҳар) кесимида сататистик маълумотлари таҳлил қилинган. Бугунги кунда расмий равишда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳудудлар кесимида бандлик ҳолати аниқланган.

Тадқиқотда мамлакатимиздаги ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлашишда тўсиқ бўлаётган стереотиплар, омиллар аниқланган. Ўзбекистон шароитида 20 миллионга яқин меҳнат ресурслари, 15 миллиондан ортиқ иқтисодий фаол аҳолини ташкил этиб, ишсизлик даражасини 9,4% (1,4 млн. нафар) ташкил этмоқда. Бундан ташқари ҳар йили меҳнат бозорига 600-700 минг нафарга яқин умумтаълим, ўртамаҳсус таълим ва олий таълим муассасаларини битирувчилари меҳнат бозорига кириб келиши ҳамда 2 миллионга яқин меҳнат мигрантларининг борлиги, иш берувчиларда ишга қабул қилишдаги танлов имконияти юқориликдан далолат беради.

Албатта иш берувчилар ногиронлиги бўлган шахсларни эмас, балки меҳнат унумдорлиги юқори бўлган ходимларни ишга қабул қилинишига устуворлик беради.

Бундай шароитда, ногиронлиги бўлган шахсларни бандлигига кўмаклашишда иш берувчиларни (хусусий тадбиркорлик субъектларини) қўллаб-қувватлашнинг янги молиявий механизмлар жорий этиш, имтиёзли солиқ ва

ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ

микрокредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш ва соғломлаштириш, ҳудудларда ижтимоий корхоналарни ташкил этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқишида таклифлар тайёрлаш асосий мақсад сифатида қўйилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда, Ногиронлиги бўлган шахсларнинг 248,2 минг нафардан зиёди меҳнат фаолиятининг муайян турларини бажариш учун лаёқатли бўлиб, “Ягона меҳнат миллий тизими” дастурий аппарат комплексидан олинган маълумотларга кўра

30,9 минг нафари доимий иш ўринлари билан бандлиги маълум бўлди. Бу кўрсаткич, жами меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг 12,4% ини ташкил этади.

Ногиронлиги бор шахсларнинг иш топиш эҳтимоли ногиронлиги бўлмаган шахсларга қараганда қарийб 4 баравар камроқ. Шу билан бирга, қишлоқ жойларда ногиронларнинг атиги 5,8 % иш билан таъминланган бўлиб, ногиронлиги бор аёлларнинг аҳволи эркакларникига қараганда анча ёмонроқ, аёлларнинг атиги 4,4 % ва эркакларнинг 8,9% иш билан таъминланган. Жадвал илова қилинади.

Жадвал

Республика бўйича 2021 йил 1 декабрь ҳолатига ногиронлиги бўлган шахслар бандлиги тўғрисида маълумот

| № | Худудлар | Жами НБШлар сони | шу жумладан | | | | | | | | | |
|----|------------------------------|------------------------|------------------|----------------|----------------|----------------|------------------|-----------------------|----------------------|--------------------------------|-------------------|--|
| | | | Яшаш жойи бўйича | | жинси бўйича | | 16 ёшгача НББ | 16 ёшдан катта НБШ | Шундан | | | |
| | | | шаҳар | қишлоқ | аёл | эркак | | | Пенсия ёшидагилар | Ишлаши мумкин бўлган НБШлар | Ишловчи НБШлар | Ишлаши мумкин бўлган НБШларга нисбатан % |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 55 883 | 28 855 | 27 028 | 24 019 | 31 864 | 8 242 | 47 641 | 15 039 | 14612 | 1628 | 0,11 |
| 2 | Андижон | 70 869 | 20 105 | 50 764 | 31 134 | 39 735 | 12 421 | 58 448 | 19 623 | 37290 | 1122 | 0,03 |
| 3 | Бухоро | 47 853 | 14 289 | 33 564 | 20 745 | 27 108 | 4 717 | 43 136 | 14 126 | 28738 | 2070 | 0,07 |
| 4 | Жиззах | 31 353 | 9 719 | 21 634 | 13 303 | 18 050 | 6 691 | 24 662 | 7 247 | 11415 | 1507 | 0,13 |
| 5 | Қашқадарё | 71 221 | 19 925 | 51 296 | 29 373 | 41 848 | 13 459 | 57 762 | 12 477 | 26844 | 2807 | 0,10 |
| 6 | Навоий | 35 138 | 12 507 | 22 631 | 15 531 | 19 607 | 4 638 | 30 500 | 8 947 | 11614 | 1823 | 0,16 |
| 7 | Наманган | 64 429 | 25 982 | 38 447 | 28 386 | 36 043 | 9 308 | 55 121 | 16 518 | 12210 | 3123 | 0,26 |
| 8 | Самарқанд | 81 249 | 20 709 | 60 540 | 35 619 | 45 630 | 13 533 | 67 716 | 20 645 | 15346 | 1533 | 0,10 |
| 9 | Сирдарё | 26 305 | 9 758 | 16 547 | 11 695 | 14 610 | 4 561 | 21 744 | 5 643 | 8004 | 1970 | 0,25 |
| 10 | Сурхондарё | 65 513 | 13 342 | 52 171 | 27 795 | 37 718 | 12 043 | 53 470 | 12 258 | 28511 | 6284 | 0,22 |
| 11 | Тошкент в. | 59 513 | 22 663 | 36 850 | 24 186 | 35 327 | 9 125 | 50 388 | 15 137 | 13586 | 1684 | 0,12 |
| 12 | Фарғона | 77490 | 31786 | 45704 | 33006 | 44484 | 12062 | 65428 | 19961 | 18743 | 1257 | 0,07 |
| 13 | Хоразм | 45 647 | 11 039 | 34 608 | 20 161 | 25 486 | 7 270 | 38 377 | 10 990 | 15064 | 951 | 0,06 |
| 14 | Тошкент ш. | 57 920 | 57 920 | 0 | 25 694 | 32 226 | 5 924 | 51 996 | 23 156 | 11301 | 3128 | 0,28 |
| | Республика | 790 383 | 298 599 | 491 784 | 340 647 | 449 736 | 123 994 | 666 389 | 201 767 | 253278 | 30887 | 0,12 |

Манба: Меҳнат вазирлиги ва Тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Юқоридаги рақамлар, ногиронлиги бўлган шахсларни бандлигига қўмаклашиш ишлари самарали ташкил этилмаганлигини, кўрсатади. Афсуски, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ва норматив ҳужжатлар амалда самарасиз бажарилмапти. Сўнги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларни бандлигига қўмаклашиш учун меҳнат бозорида самарали инструментлар жорий қилинди.

Бироқ, ушбу дастурлар тўғрисида иш берувчилар ва ногиронлиги бўлган шахсларда етарли маълумотлар йўқ, дастурлардан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Масалан, «ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналарда, муассаса-

лар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди». Аммо, амалда ногиронлиги бўлган шахслар учун 3% квота самарали ишламаяпти.

Меҳнат вазирлиги маълумотларига кўра, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан 2021 йилда корхоналарда иш ўринларини квоталаш бўйича жорий йилда 9,1 минг иш жойлари квоталанган бўлса, уларга атиги 1,2 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар ишга жойлаштирилган.

Вазирлик тизимидаги касб-хунарга ўқитиш марказларида, шу жумладан, Мономарказ-

ларда жорий йилда 105 мингдан ортиқ фуқаролар касб-хунарга ўқитилган бўлса, уларнинг ичида ногиронлиги бўлган шахслар атиги 273 нафарни ташкил этган.

Шунингдек, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни (ногиронлиги бўлган шахсларни) квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган корхоналарга субсидияларни 81 та ташкилотга 209 нафар ходим учун 993,4 млн.сўм субсидия ажратилган.

Албатта, очиқ меҳнат бозорида ногиронлар учун иш жойларини мослаш, айниқса, кичик ва ўрта бизнес учун қўшимча харажатларни келтириб чиқариши мумкин.

2021 йилда иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирган тадбиркорлик субъектига харажатларини учун субсидия ажратиш бўйича 1 та тадбиркорлик субъектига 30 та иш ўрнини ногиронлиги бўлган фуқарога мослаштиргани учун 142,5 млн.сўм миқдорда субсидия ажратилган.

Инклюзив иш билан бандликни рағбатлантириш учун бир қатор имтиёзлар ва преференциялар мавжуд бўлсада, кўплаб иш берувчилар улар ҳақида яхши билишмайди.

Масалан, солиқ кодексининг 337-моддасида иш билан банд бўлган ногиронларнинг ҳар бир фоизи учун юридик шахслар учун солиқ ставкасини квота нормасидан 3 фоиздан ортиқ 1 фоизга пасайтириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 августдан бошлаб меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган ходимларнинг камида 30% ногиронлар, қарамоғида 16 ёшга етмаган шахслар ёки ногиронлиги мавжуд болалар бўлган ёлғиз шахслар, шунингдек, аҳолининг бошқа заиф гуруҳлари бўлган тадбиркорлик субъектлари учун алоҳида имтиёзлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги ПҚ-4423-сонли қарорида ногиронларни иш билан таъминлайдиган ногиронлар жамоат бирлашмалари корхоналарини рағбатлантириш бўйича бир қатор чоратадбирлар кўзда тутилган.

Бундай чоралар қаторига «давлат буюртмачиларига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг товарлари (ишлари, хизматлари)ни харид қилиш учун квоталар тақдим этади».

Ногиронлар бирлашмалари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни давлат ха-

ридлари тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яхши чораси бўлиб, уларнинг иш билан таъминланишига ёрдам берадиган самарали механизм бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ, бундай корхоналар ўз маҳсулотларини сотишда қийинчиликларга дуч келишмоқда.

Минг афсуски, бизда ногиронлиги бўлган шахсларни давлат ташкилотлари ва хусусий секторнинг потенциал ходимлари эмас, балки асосан хайрия ва реабилитация ёрдамлари олувчилар сифатида қараш сақланиб қолмоқда.

Сабабларини таҳлил қилганимизда:

- жамиятимиздаги салбий стереотиплар ва нотўғри қарашлар, иш берувчилар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат кўникмалари, қобилиятлари ва истеъдодларига ишонч йўқлиги, шунингдек, очиқ меҳнат бозорида кўп учрайдиган ногиронлик белигиси бўйича камситиш ҳали ҳам борлиги;

- аксарият, иш берувчиларда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш ва уларга шарт-шароит яратиш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш борасида корпоратив маданият етарли даражада эмаслиги;

- ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларни моддий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари йўлга қўйилмаганлиги;

- ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўқитиш тизими етарли даражада йўлга қўйилмаганлигини кўриш мумкин.

Ишга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон реестри мавжуд эмаслиги, бу ҳолатда ижтимоий масъулиятли иш берувчиларга ўзларига мос ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш бўйича етарли маълумот олиш имконияти яратилмаган.

Хулоса ва таклифлар. Ногиронлиги бор шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг долзарб ва ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири бу уларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш ва очиқ, инклюзив меҳнат бозорида ишга жойлаштириш учун шарт-шароитлар яратишга боғлиқ.

Бундай вазиятда давлат томонидан фуқаролик жамияти вакиллари билан ижтимоий шерикчиликда лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамда уларни инклюзив иш билан таъминлаш ва зарур молиявий ёрдам кўрсатишда тезкор чораларни кўришни тақозо этади.

Иш жойидаги инклюзивлик ва хилма-хиллик нафақат глобал тенденциялардан бири, балки ижтимоий йўналтирилган ва масъулиятли бизнесни ривожлантиришнинг муҳимлигидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларни самарали ишга жойлаштиришни ташкил этиш, иш берувчиларнинг ногиронлиги бўлган

шахсларни ишга қабул қилишини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

биринчи, хусусий тадбиркорлик субъектларига ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилганлиги учун субсидия бериш тизимини ҳамда улар томонидан ишга қабул қилган ногиронлиги бўлган шахсларни даромад солиғидан озод қилиш қилиш тизимини жорий этиш;

иккинчи, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ва иш берувчилар томонидан иш ўринлари захирага қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларни «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси базасида реал вақт режимида акс эттирилиб бориш;

учинчи, техникум, коллеж ва касбга ўқиш марказлари бўлган вазирлик ва идораларнинг барча касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларда ногиронлиги бўлган шахслар учун касб-хунарга ўқитадиган махсус қисқа муддатли курсларни ҳамда Меҳнат вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказларида ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилган ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар, айниқса ахборот технологиялари ва компютерда дастурлаш хорижий тил ва тадбиркорлик асослари бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

тўртинчи, Давлат буюртмачиларига электрон кооперация биржаси порталида рўйхатдан ўтган ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар билан улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат бериш;

бешинчи, тажриба тариқасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг илмий, маданий, санъат, спорт ва касб-хунарга оид ташаббуслари ҳамда қизиқишларини қўллаб-қувватловчи «Имкониятлар маркази» фаолияти ташкил этиш, бунда, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда иш берувчилар ўртасида мулоқот ўтказиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдони сифатида фойдаланиш;

олтинчи, худудлардаги ногиронлиги бўлган шахслар ишлашига ихтисослаштирилган ўқув ишлаб-чиқариш корхоналари фаолиятини таҳлил қилиб, ушбу ташкилотларнинг ер майдонлари ва бинолари қонунчиликда белгиланган мақсадларда ишлатилаётганлигини ўрганиш ҳамда улар фаолиятини соғломлаштириш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаолият кўрсатишига мослаштирилган ижтимоий корхоналар фаолияти ташкил этиш;

еттинчи, ногиронлиги бўлган шахсларни электрон маълумотлари, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтириш, тиббий-ижтимоий хизматлар бўйича тезкор мурожаат қилиш каби масалаларни ўз ичига олган электрон платформасини жорий этиш;

саккизинчи, ногиронлиги бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида хусусий ўқув марказларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарга ўргатиш ва уларда касбий кўникмаларни шакллантириш тадбирларини молиялаштириш учун грант маблағлари ажратиш ҳамда тадбиркорлик ва ўзини-ўзи банд қилган, ногиронлиги бўлган шахсларга белгиланган тартибда асбоб-ускуна ва минитехнологиялар учун субсидиялар ажратишни ташкил этиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 11 июндаги «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3782-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4423-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4804-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топшида қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 965-сонли қарори.
7. Арбуз Анна Владимировна «Новые подходы к трудоустройству лиц с ограниченными возможностями здоровья» 01.12.2018 года Журнал Региональная экономика.
8. Н.Дронишинец ва И.Филатова «Современные тенденции в трудоустройстве лиц с ограниченными возможностями в Японии» ГСНТИ 14.29.2005 г.
9. Тринадцатко А.А. «Состояние занятости инвалидов в России в предпандемический и пандемический периоды // Социодинамика. – 2021. – № 3. – С. 23 - 47.